



ЎЗБЕКИСТОНДА ҚУРИЛИШ МАТЕРИАЛЛАРИ САНОАТИНИНГ ТУБ БУРИЛИШИ.

Файзуллаев Жонибек Мамбетсалий ўғли

Тошкент архитектура қурилиш институти докторанти

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7329348>

Аннотация: Ўзбекистонда қурилиш соҳасида қурилиш материалларини ишлаб чиқариш саноати фаолияти ўрганилган ҳамда муаммолар, ютуқлар ва камчиликлари ёритилган.

Калит сўзлар: қурилиш, қурилиш материаллари, ишлаб чиқариш, инвестиция, инновация, корхоналар.

Кириш. Ҳозирги кунда, юртимиз иқтисодиётида амалга оширилаётган туб ислохотларни, ижтимоий ҳаётимиздаги улкан ўзгаришларни кўришимиз мумкин. Шулар жумласидан қурилиш соҳаси ҳам ўз тараққиётининг янги босқичига кўтарилмоқда. Бу борада давлат – хусусий шериклик муносабатлари, қурилиш ташкилотлари ва аҳоли ҳамкорлиги каби янги фаолият шакллари самарали қўлланилаётганини алоҳида таъкидлаш лозим.

Юртимизда аҳолининг турмуш тарзини ва даражасини оширишга бевосита хизмат қиладиган бундай эзгу ишлар ҳақида гапирганда, аҳоли пунктларини қуришда комплекс ёндашув асосида уй-жой, турли бино ва иншоотлар билан бирга ҳудудларда ижтимоий инфратузилма объектлари, савдо ва хизмат кўрсатиш шаҳобчалари, таълим, тиббиёт ва маданият муассасалари, янги истироҳат боғлари ва хиёбонлар, фавворалар, болалар майдончалари ва спорт масканлари бунёд этилаётганини мамнуният билан таъкидлаш лозим.

Асосий қисм: Ҳозирги вақтда мамлакатимизда қурилиш материаллари саноати жадал ривожланиб бораётгани ҳам соҳа тараққиётида муҳим ўрин тутди. Биргина уй-жой бинокорлигида фойдаланилаётган сифатли қурилиш материалларининг 95 фоизи маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилаётгани буни яққол тасдиқлайди.

Бизни қувонтирадиган яна бир жиҳат, мамлакатимизда шу кунгача ишлаб чиқарилмаган: газобетон блоклари, гулқоғоз, керамогранит, қуйма пол, 600 маркали цемент, геосетка, пеноблок, шиша кристаллит, композит ва ДСП ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. Сир эмаски, Ўзбекистонда сўнгги йилларда барча соҳалар каби қурилиш соҳасини ривожлантиришга ҳам алоҳида эътибор берилмоқда.

Бироқ, қурилиш соҳасидаги янги даврнинг бошланиши, тизимдаги муаммоларни аниқлаш, тан олиш ва очиқлаш, айниқса, уларни ечиш осон кечгани йўқ. 2017-2021 йиллар ва 2022 йилнинг шу кунига қадар қурилиш соҳасини тартибга солувчи жами 40 дан зиёд қонун, фармон ва қарорлар қабул қилинди. Ушбу қарор ва фармонлар тизимда йиллар давомида сақланиб қолган муаммоларни тубдан ислоҳ қилишга қаратилди. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 апрелдаги






«Қурилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5392-сон фармонига мувофиқ Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси негизида Ўзбекистон Қурилиш вазирлиги ташкил этилди.

Вазирликнинг асосий вазифалари этиб - шаҳарсозлик ва қурилиш учун муҳандислик-техник изланишлар соҳасида ягона илмий-техникавий сиёсатни олиб бориш, республика ҳудудида аҳолини жойлаштиришнинг бош схемасини, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳар, туманлар, шаҳарлар ҳудудларини режалаштириш схемаларини, аҳоли пунктларининг бош режаларини ва бошқа шаҳарсозлик ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлашни ташкил қилиш, уларнинг амалга оширилиши устидан мониторинг юритиш, шаҳарсозлик соҳасида давлат сиёсатининг асосий йўналишлари бўйича таклифлар тайёрлаш (ва бошқа қатор йўналишлар) белгиланди.

Шу билан бирга ушбу сананинг ўзида “Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги фаолиятини самарали ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3646-сон Қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжат билан «Шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизаси» давлат унитар корхонаси ташкил этилиши белгиланди. Унга кўра, белгиланган тартибда шаҳарсозлик ҳужжатлари экспертизасини ташкил этиш ва ўтказишни таъминлаш, архитектура-режалаштириш ва шаҳарсозлик ечимлари даражасини ошириш, лойиҳа иши ва қурилиш ишлаб чиқаришини такомиллаштириш, лойиҳалаш ва қурилиш соҳасида илғор тажрибани ўрганиш ва оммалаштириш каби асосий вазифалар бириктирилди. Ушбу икки меъёрий ҳужжат тизимда янги босқичга ўтишнинг негизи бўлди.

Шиддат билан қад кўтараётган ижтимоий объектлар, кўп қаватли турар жойлар ва умуман олганда, барча турдаги бунёдкорлик ишлари ўз навбатида сифатли қурилиш маҳсулотларига бўлган талабни кескин ошириб бормоқда. Шу боис, ушбу йўналишдаги ишларни тўғри йўлга қўйиш, янги турдаги энергия тежамкор қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, соҳага маҳаллий ва хорижий инвесторларни кенг жалб қилиш орқали йирик лойиҳаларни амалга ошириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш борасида тизимли ишлар амалга ошириб келиняпти. Бунинг натижасида соҳада жиддий ўзгаришлар юз беряпти (1-расм).





1-расм Соҳада 2017-2021 йилларда эришилган натижалар

Президентимизнинг 2019 йил 2 февралдаги “Қурилиш материаллари саноатини тубдан такомиллаштириш ва комплекс ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги ПҚ - 4198 сон қарорида 2019-2021 йилларда умумий қиймати 1,3 миллиард, шу жумладан, тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ҳисобига 692 миллион АҚШ доллари миқдорида амалдаги корхоналарни техник ва технологик янгилаш ҳамда янги корхоналар барпо этиш бўйича 67 та инвестиция лойиҳасини амалга ошириш вазифаси қўйилди. Бу ва бошқа лойиҳаларнинг амалга оширилиши 2021 йилга қадар цемент ишлаб чиқариш қувватлари ҳажмини 17 миллион тоннага, архитектура-қурилиш ойнасини - 32 миллион квадрат метрга, ёғоч-кипиқ плитаси (ДСП)ни - 380 минг, газ-бетон блокларини - 700, кўп қаватли уйлар қурилиши учун йирик панелли темир-бетон буюмларини - 180 минг квадрат метрга етказиш имконини берди.

Қурилиш соҳасига 2022 - йилда жалб қилинадиган инвестиция лойиҳалари маблағига кўра юқори ўринда Навоий вилоятига (243,2 млн. долл), қуйи ўринда Хоразм вилоятига (36,5 млн. долл). Йирик лойиҳалар 35 та, ўрта лойиҳалар 132 та, кичик лойиҳалар 652 та (2-расм).





Йирик лойиҳалар	• ≥ 10 млн доллар. 35 лойиҳалар сони .1 264 млн доллар лойиҳалар қиймати
Ўрта лойиҳалар	• > 1 млн доллар < 10 млн доллар. 132 та лойиҳалар сони. 361 млн доллар лойиҳалар қиймати
Кичик лойиҳалар	• ≤ 1 млн доллар. 652 та лойиҳалар сони. 177 млн доллар лойиҳалар қиймати
Лойиҳалар сони	
• 819 та лойиҳа	
Умумий қиймати	
• 1,8 млрд доллар	
Хорижий инвестициялар ва кредитлар	
• 1,2 млрд доллар	
Янги иш ўринлари	
• 20 908 та	

2-

расм Соҳага инвестицияларни жалб этиш.

Таҳлилларга эътибор қаратадиган бўлсак, айтиш мумкинки, айни кунда юртимизда 11 мингга яқин қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчи корхоналар фаолият юритмоқда. Икки йил муқаддам бу борада 120 турдаги маҳсулот тайёрланган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 180 тадан ошди.

Бундан ташқари қурилиш материалларини маҳаллийлаштиришга ҳам катта аҳамият берилаётганини кўришимиз мумкин. Мисол тариқасида айтишимиз мумкинки 2022 – йил январь-июнь ойларига режа бўйича 441 млрд.сўм кўрсатилган бўлиб, лекин амалда 515 млрд.сўмни ташкил қилган. 2022 – йил январь-декабрь ойларига режа бўйича 981 млрд.сўм кўрсатилган, лекин кутилаётган маблағ 1203 млрд.сўмни ташкил қилади (3-расм).





2022 йил маҳаллийлаштириш дастури натижаларига кўра

Маҳсулот турлари	• Маҳаллийлаштириш даражаси. %
Қурилиш ойнаси ("Ming Yuan Silu Industry" МЧЖ	•90 %
Керамик плитка ("Great Wall Ceramic" МЧЖ ҚҚ – 88%)	•88 %
Иссиқлик сақловчи материаллар ("Angren insulation" МЧЖ)	•72 %
Қурилиш ойнаси ("Kvarts" АЖ – 72%)	•72 %
Керамик плитка ("Prime Ceramics" МЧЖ)	•71 %
3D Декоратив керамик плиталар ("Moderna Ceramic Industries Fergana" МЧЖ)	•71 %
Керамогранит (Lyux Granit" МЧЖ)	•68 %
Керамик плитка (Great Wall Ceramic" МЧЖ ҚҚ)	•65 %
Санитар- техник буюмлар ("Central Asia Sanitaryware" МЧЖ)	•46 %
Пайвандлаш Электродлари ("Monolith Asia" МЧЖ)	•40 %
Линолеум ("Sanfa products" МЧЖ)	•39 %
Гулқоғоз обой ("Pergament quality exclusive" МЧЖ)	•38 %
Бетонга кимёвий қўшимчалар ("Arment construction chemicals sudines" МЧЖ ХК)	•36 %

3-расм Қурилиш материалларини маҳаллийлаштириш

Таъкидлаш жоизки, соҳага инвестицияларни кенг жалб этиш орқали маҳсулот турларини кўпайтириш ва сифатни ошириш устувор вазифалар сирасига киради. Олиб борилаётган ишлар ва киритилаётган инвестициялар маҳсулот сифатини яхшилаш орқали соҳанинг экспорт салоҳиятини ҳам оширомоқда (4-расм). Керамик плиткалар, сантехкерамика, гулқоғоз, қуруқ қурилиш аралашмалари, пишган ғишт, табиий тошдан ясалган пардозбоп плиталар, оҳак, полипропилен қувурлар, дераза ойнаси, фитинглар каби маҳсулотлар экспорт қилинмоқда.





2021 йилда асосий қурилиш материалларининг экспорти таҳлили

ПВХ профил, труба ва пластмасса маҳсулотлари	Портландцемент	Гулқоғоз ва бошқа гул қоғоз маҳсулотлари	Алюмин профил ва алюминдан ясалган маҳсулотлар	Иссиклик сақловчи материаллар	Тош маҳсулотлари	Ойна ва ойна маҳсулотлари	Керамик плиткалар	Қуруқ қурилиш қорихмалари ва цемент маҳсулотлари	Метал буюмлар
65 минг куб метр	340 минг тонна	950 минг ўрам	12 минг тонна	5,6 минг тонна	1 126 минг тонна	2,5 млн. кв. м	23,5 млн.кв.м	269 минг тлнна	59 минг тонна
86,7 млн. долл.	19,1 млн. долл.	15,7 млн. долл.	38 млн. долл.	5,8 млн. долл.	14,3 млн. долл.	8,1 млн.доол.	64,6 млн. долл.	36,3 млн. долл.	82,1 млн. долл.

4-расм Қурилиш материаллари экспорти

Шуни таъкидлаш жоизки, юртимизда қурилиш материалларини импорти ҳам сезиларли даражада камайишини кўришимиз мумкин. Бундан кўриниб турибдики, маҳаллий қурилиш материалларини ишлаб чиқаришнинг яхшиланиши натижасида, импорт қурилиш материалларини ўрнини эгаллашни бошлаган.

Республикамизга қурилиш материаллари импорти асосан Россия (32%), Қозоғистон (20%), Хитой (11%) давлатларидан (5-расм).



5-расм Қурилиш материаллари импорти



Қурилиш материаллари импорти 2022-йилнинг биринчи яримида (амалдаги) маҳсулотлар турларини олсак:

Ёғоч-қириндили плиталар (ДСП) – 65,2 млн. доллар.

Гулқоғоз (обой) – 25,3 млн. доллар.

Лок-бўёқ маҳсулотлари – 25,3 млн. доллар.

ПВХдан қувур ва фитинлар – 19,1 млн. доллар.

Пардозбоп тошлар – 11,6 млн. доллар.

Смесителлар – 4,7 млн. доллар.

Портландцемент – 42,5 млн. доллар.


Қурилиш ойнаси – 14,7 млн. доллар.

Кўп қатламли изалоция ойнаси – 15,2 млн. доллар.

Керамик плитка – 17,4 млн. доллар.

Кейинги йилларда соҳани ислоҳ қилиш, корхоналар самарадорлиги ва салоҳиятини ошириш бўйича кўплаб ишлар амалга оширилди. Тармоқдаги ҳар бир корхона фаолияти танқидий таҳлил этилиб, маҳсулотлар сифатини ошириш, энергия тежамкор, инновацион қурилиш материаллари ишлаб чиқариш ҳисобига таннархни пасайтириш чоралари кўриляпти. Корхоналарда “рақамли технологиялар”ни қўллаш, инсон ҳаёти учун хавfli жараёнларда автоматизация даражаси оширилди. Қурилиш материаллари соҳасида янги йўналишлар ривожлантирилиб, бунга хорижий инвесторлар кенг жалб қилинди. Етакчи хорижий давлатлар қурилиш соҳасининг ривожланиш тенденциясидан келиб чиқиб, янги маҳсулотларни ўзлаштириш ва инновацияни жалб қилиш ўз самарасини бера бошлади. Бунинг натижасида маҳаллий хомашёлар асосида яратилган янги турдаги инновацион қурилиш материаллари ва технологиялари жорий этилди (6-расм). Хусусан, илм-фан ва инновациялар йўналишида эришиладиган натижалар (шишали черепица ишлаб чиқариш технологияси, силикат кальцийланган листлари (скл) ишлаб чиқариш технологияси, янги турдаги ёруғлик ўтказувчи бетон ишлаб чиқариш технологияси, юқори босимда прессланган (hpl) панеллар ишлаб чиқариш технологияси).





6-расм Республикада ишлаб чиқарилаётган янги турдаги инновацион қурилиш материаллар.

Айни пайтда замон, ислоҳотларнинг ўзи барча жабҳалар қатори ушбу соҳада ҳам янги, янада долзарб вазифаларни олдимизга қўймоқда. Хусусан, қурилиш материаллари кластерларини ривожлантириш асосий вазифалардан бири ҳисобланади. Қурилиш материаллари кластерларини ривожлантириш бўйича қуйидаги маълумотларни кўришимиз мумкин(1.2.3-жадваллар).

Қурилиш материаллари кластерларини ривожлантириш

1-жадвал

Амалдаги кластерлар				
Кластерлар	Корхоналар сони	Ишлаб чиқариш ҳажми	Иш ўринлари	Маҳсулот турлари
“DSK МЧЖ binokor”	4 та	298 млрд. сўм	1612 та	Деворлар, металл конструкциялар: Бетон ва темир бетон маҳсулотлари, модулли панел
Ҳозғон кластери	14 та	177 млрд. сўм	750 та	мармар, гранит маҳсулотлари
“Қизилқумцемент” АЖ	1 та	2 трлн. сўм	3496 та	Гипс тоши, оҳак, шифер, цемент,





				бетон ва темир бетон маҳсулотлари, оловбардош шамот ғиштлари.
“Zarafshon golden group” МЧЖ	33 та	98 млрд. сўм	1722 та	Газобетон блоклари, темирбетон, мебель, эшик ва дераза ромлари, қуруқ қоришмалар, кварц қуми

2-жадвал

Иш олиб борилаётган кластер					
Кластерлар	Корхоналар сони	Ишлаб чиқариш ҳажми	Иш ўринлари	Объектлар сони	Маҳсулот турлари
“Surxon sanoat qurilish invest” МЧЖ	26 та	710 млрд. сўм	4032 та	105 та	Қум, қуруқ қурилиш қоришмалари, темир-бетон маҳсулотлари, ғишт, ДСП, инерт маҳсулотлари, гранит, эшик ва ромлари.
“Элёр лойиҳа қурилиш компанияси” МЧЖ	5 та	48 млрд. сўм	350 та	-	Газобетон блоклари, қуруқ қоришмалар, гипсокартон ва табиий пардозбоп тошлар.
Форишда	6 та	905	625 та	-	Базальт





базальтдан юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар		млрд. сўм			толаси ва момиғи, қувурлар, геосетка, базальтдан иссиқлик сақловчи маҳсулотлар
---	--	-----------	--	--	--

3-жадвал

Худудларда ташкил этиладиган 8 та кичик саноат зоналар.			
Амалга ошиш муддати 2022-2023 йй.			
Худудлар	Лойиҳалар сони	Лойиҳалар қиймати	Иш ўринлари
Андижон вилояти, Булоқбоши тумани	5 та	6,3 млн. долл	154 та
Бухоро вилояти, Қоровулбозор тумани	15 та	22,8 млн. долл	510 та
Жиззах вилояти, Фориш тумани	5 та	71 млн. долл	295 та
Наманган вилояти, Чуст тумани	3 та	20,3 млн. долл	330 та
Самарқанд вилояти, Пахтачи тумани	5 та	8,5 млн. долл	82 та
Сурхондарё вилояти, Сариосиё тумани	8 та	5,8 млн. долл	117 та
Тошкент вилояти, Оҳангарон тумани	9 та	10,7 млн. долл	235 та
Фарғона вилояти, Ўзбекистон тумани	8 та	16,9 млн. долл	405 та





Хулоса ва камчиликлар. Муҳтарам Президентимизнинг қурилиш соҳасига берган эътиборлари сабабли катта ўзгаришлар бўлганлигига амин бўлдик. Қурилиш соҳаси мураккаб соҳа бўлганлиги сабабли мавжуд камчиликлар поғонама-поғона ечимини топмоқда. Бу соҳани ривожлантиришнинг мураккаблиги шундан иборатки, инновация, инвестиция, импорт, экспорт ва соҳага тегишли бўлган иш фаолиятларини бир вақтнинг ўзида тўғри амалга ошириш кераклиги. Келтирилган маълумотларга асосланган ҳолда 2017 - йилдан ҳозирги кунгача юртимизда қурилиш материалларини маҳаллийлаштириш, инновацион қурилиш материаллари ва технологиялари ҳамда кластерларни ривожланганлигини кўришимиз мумкин.

Юртимизда қурилиш соҳаси кундан – кунга ўсишда давом этмоқда. Лекин бу соҳада ҳам тўлиқ ечимини топмаган камчиликлар мавжуд. Хусусан, мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган қурилиш материалларинг Европа давлатларига экспорти камлиги, ШНҚ (Шахарсозлик нормалари ва қоидалари) тўлиқ Ўзбекистон ҳудудларига мослаштирилмаганлиги, қурилиш материаллари кластерларининг камлиги шунга мисолдир.

Таклифлар. Шахарсозлик нормалари ва қоидаларига Республикамизда ишлаб чиқарилаётган қурилиш материалларини киритиш ҳамда бозор нархи билан бир хилликга олиб келиш ва нархлар йиллар кесимида кўрсатилиши.

Қурилиш соҳасидаги мутахассисларни Европа давлатларига стажировкага юбориш, талаб ҳамда таклифларини ўрганган ҳолда, Республикамизда иш фаолиятини бошлашларига имкониятлар яратиш ва шунинг натижасида экспорт ҳажмини ошириш.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 2 апрелдаги «Қурилиш соҳасида давлат бошқаруви тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПФ-5392-сон фармони.
2. “Ўзбекистон Республикаси Қурилиш вазирлиги фаолиятини самарали ташкил этиш тўғрисида”ги ПҚ-3646-сон Қарори.
3. Р.Нуримбетов. “Бунёдкорлик ва миллий тараққиёт”. Халқ сўзи 2021-йил 8-май, №97(7877).
4. Nurimbetov R.I, Metyakubov A. D.: Advanced Housing Fund Management System As A Tool For Improving Delivery Of Municipal Services On Client Satisfaction--Palarch's Journal Of Archaeology Of Egypt/Egyptology 17(6), 1-14. ISSN 1567-214x
5. Matyakubov, A. M., & Matrizayeva, D. (2019). Sustainable economic growth with innovative management in Uzbekistan. ISJ Theoretical & Applied Science, 08 (76), 250-257.





6. Nurimbetov R. I., Metyakubov A. J. Creating and developing special industrial zone in the region of lower reaches of Amu Darya River //The Thirteenth International Conference on Economic Sciences 24th November. – 2016. – С. 103-109.
7. Sultanov A. Prospective foreign experience outcome implementations of housing fund management in Uzbekistan //Theoretical & Applied Science. – 2020. – №. 4. – С. 201-207
8. Мэтякубов А. Д., Болтаев У. Т. Тенденция экономического развития производства строительных материалов в Республике Узбекистан //Бюллетень науки и практики. – 2021. – Т. 7. – №. 3. – С. 243-249.
9. Нуримбетов Р. И., Мэтякубов А. Д., Матризаева Д. Ю. Анализ эффективности управления инвестициями в промышленности строительных материалов. – 2020.
10. Nurimbetov R. I., Akhmedova N. S. Small business as the main driver of the economy development of Uzbekistan //Multidiscipline Proceedings of Digital Fashion Conference. – 2021. – Т. 1. – №. 1.

